



БОДРИНГ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

- **Асосий навлари**
- **Уруғларни тайёрлаш**
- **Экин майдонини танлаш**
- **Кўчат тайёрлаш**
- **Парваришлаш**
- **Хосилни йиғиш**
- **Касалликлар ва зараркунандаларга қарши кураш**
- **Консервалаш ва сақлаш**

Тошкент-2007

**Бодринг етиштириш ва қайта ишлаш. Тузувчи Р.Х Аюпов. - Т.:
Иқтисод-Молия, 2007. - 32 бет**

Бодринг – бир йиллик ўсимлик бўлиб, ковоксимонлар оиласига мансубдир. Унинг мевалари янги ҳолатда, тузланган ва мариновка қилинган ҳолда истеъмол қилиниши мумкин. Бодринг иссиқликка ва намгарчиликка жуда ҳам талабчан ўсимлик. Ундан ташқари, бодринг ҳароратнинг тез-тез ўзгариб туришига жуда ҳам сезгир полиз ўсимлигидир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистондаги томорқа майдонларида ўстириладиган ўсимликларнинг ичида энг олдинги ўринлардан бирида турувчи сабзаёт маҳсулоти бодринг деб айтсак, ҳеч ҳам янглишмаган бўлар эдик. Бодринг барча инсонлар истеъмол қиладиган тўйимли ва мазали сабзаёт туридир. Унинг таркибида биологик жихатдан қимматли моддалар (витами́нлар, кислоталар ва минерал тузлар) бор. Ушбу китобчада бодрингни экиш ва парваришлашнинг бир қанча сир-асрорлари келтирилади ва у томорқа эгалари ҳамда дала ховлида сабзаёт маҳсулотларини етиштиришни орзу қилганлар билан бир қаторда фермер хўжаликлари учун ҳам фойдали маълумотлар манбаъи бўлиши ва уларнинг кундалик фаолиятида жуда ҳам асқотиши мумкин.

Такризчи: «Кўксарой Ер-Миришкор» Агрофирмаси раҳбари,
амалиётчи агроном С.З. Тоиров.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| 1. Бодрингларнинг асосий навлари | 5 |
| 2. Бодринг уруғларини экишга тайёрлаш | 12 |
| 3. Экин майдонини танлаш ва тупроқни қайта ишлаш | 14 |
| 4. Уруғларни экиш ва кўчатларни ерга кўчириш | 16 |
| 5. Бодрингни парвариш қилиш | 18 |
| 6. Хосилни йиғиш ва сақлаш | 19 |
| 7. Касалликлар ва зараркунандаларга қарши кураш | 20 |
| 8. Бодрингни консервалаш ва сақлаш | 24 |
| 9. Тавсия қилинадиган адабиётлар | 29 |
| 10. Иловалар | 30 |



1. Бодрингларнинг асосий навлари

Бодрингнинг навлари ва гибридлари вегетацион давр узунлиги бўйича тез етиладиган, ўртача етиладиган ва кеч етиладиган навларга бўлинадилар. Бодринглардан фойдаланишга қараб, улар салатга мўлжалланган, тузлашга мўлжалланган ва универсал навларга бўлинадилар. Бодрингнинг Ўзбекистонда экиладиган асосий турдаги навларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Хитой кенжа тури – узунчоқ мевали хитой бодрингларини ва иссиқхоналарда етиштириладиган мевали навларни ўз ичига олади.

Ғарбий Осиё кенжа тури – Ўрта Осиё мамлакатларида, Кавказда Россиянинг жунубий худудларида етиштирилади.

Европа-Осиё кенжа турига бодрингнинг дурагай бўлган бир неча навлари киритилади. Ўзбекистонда бодрингни очик майдонларда экиш учун 13 та нав ва F1 дурагайлари, иссиқхоналарда етиштириш учун эса 7 та нав ва F1 дурагайлари тавсия қилинган ва давлат реестрига киритилган.

Очик майдонда етиштириладиган бодринг навларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Ўзбекистон 740 – нави ўртапишар, уруғи униб чиққандан хосили етилгунча муддат 48-50 кун, эртақисининг хосилдорлиги гектарига 20-33,8 тонна, ёзги мавсумда эса 14-15 тоннани ташкил этади. Уруғлиги найчаланганидан сўнг 50 кунда етилади. Найчаси цилиндр шаклида, узунлиги ўртача, туклари қора, аралаш ва қалин. Кўк меваси силлиқ, ялтироқ, узунлиги 10-13 см, диаметри 4,5-5 см, ранги оч яшил, меваси мазали, эти юмшоқ, қалин, кам қарсиллайди, серсув, уруғлиги оч жигарранг ва майда. Палаги ўрта узунликда, сербарг.

Ўзбекистон тўнғичи – ўртапишар, униб чиққандан сўнг, 48-50 кунда биринчи хосили етилади. Уруғлиги найчалангандан сўнг, 48-50 кунда уруғ олишга тайёр бўлади. Эртақисининг хосилдорлиги гектарига 21-37 тонна, ёзги мавсумда эса 16-18 тоннани ташкил этади. Меваси узунчоқ,

кўндалангига уч ўтмас қиррали, усти чўтир, узунлиги 9-11 см, диаметри 4-4,5 см, оғирлиги 80-120 грамм. Ранги ям-яшил, эти каттиқ, кам қарсиллайди, хушбуй хидли. Консерва қилинганда ва тузлангандан сўнг ҳам меваси сифатли. Таркибида 4% куруқ модда ва 2,4% қанд бор. Бу нав асосан консерва саноати учун экилади. Ушбу нав иссиққа, куруқ хавога, касалликларга чидамлилиги билан ажралиб туради.

Хосилдор – дурагай нав, тезпишар, униб чиққандан сўнг, 40-44 кунда биринчи хосили терилади. Хосилдорлиги гектарига 30-35 тонна, меваси цилиндрсимон, майда, чўтир, ранги оч-яшил, оқ йўллари бор, оғирлиги 100-110 грамм. Консервалаш, тузлаш ва истеъмол учун экилади.

Марғилон 822 – ўртапишар-кечки нав, униб чиққандан сўнг 55 кунда биринчи хосили терилади, хосилдорлиги эртаки мавсумда экилганида гектарига 25-43,6 тонна, ёзда 12,6-16 тонна, найчаси цилиндрсимон, туклари аралаш, қалин ва қора рангда. Меваси силлиқ, ялтироқ, узунлиги 15-16 см, оғирлиги 125-140 грамм, ранги тўқ яшил, оқ йўллари бор, эти серсув, қарсиллама, хиди хушбуй. Меваси юқори товар ва таъм хусусиятига эга. Палаклари бақувват ва сербарг.

Гулноз – ўртапишар, униб чиққандан сўнг 46 кунда биринчи хосили терилади. Хосилдорлиги гектарига 20-25 тонна, меваси цилиндрсимон, текис, узунлиги 14-15 см, диаметри 4-4,5 см, мевасининг ўртача оғирлиги 112 грамм.

Эртаки 645 – Эртапишар, ялпи униб чиққандан биринчи теримгача 46-48 кун ўтади. Хосилдорлиги гектарига 24-28 тонна. Меваси цилиндрсимон шаклда, узунлиги 8-10 см, оғирлиги 100-118 грамм. Ранги тўқ-яшил, эти юмшоқ ва қалин, кам қарсиллайди, серсув, таркибида 4% куруқ модда ва 2% қанд бор, туки майда, қора рангда.

Парад – Эртапишар нав, ёзда экилса, хосилдорлиги гектарига 15-20 тонна, меваси яшил рангда, овал-цилиндр шаклида, чўтир. Консервалаш, тузлаш ва салат тайёрлаш учун ишлатилади. Касалликларга чидамли.

Конкурент – ўртапишар нав, ёзда хосилдорлиги гектарига 15-20 тонна, палагининг узунлиги 100-140 см, меваси тухумсимон-цилиндр шаклида, юзаси чўтир, оғирлиги 60-90 грамм. Консерва саноати учун мўлжалланган.

Навруз – тезпишар нав бўлиб, униб чиққандан то биринчи теримгача 44-45 кун вақт ўтади. Эрта, ўрта ва кечки мавсумларда экишга яроқли. Хосилдорлиги гектарига 28-30 тонна, меваси силлик, ялтироқ, узунлиги 11-20 см, диаметри 4-4,5 см, оғирлиги 100-160 грамм. Меваси мазали, эти юмшоқ, қарсиллама, хидли, хушбуй ва сурсув. Уруғлиги оқиш, оқиш-кўк, текис.

Омад ва талаба навларининг меваси ям-яшил ва текис бўлади.

Зилол нави эса консервалаш учун мўлжалланган.

Алиби ва Аякс навлари Голландия навлари бўлиб, 2001 йилдан давлат реестрига киритилган. Униб чиққандан сўнг 42-43 кунда етилади. Меваси майда, цилиндрсимон, устки тузилиши майда ва чўтир. Консерва саноати учун мўлжалланган. Хосилдорлиги гектарига 25-30 тонна.

Қуйидаги жадвалда бодрингнинг СНГ мамлакатларидаги энг кўп тарқалган навларининг асосий кўрсаткичлари келтирилган:

| Нави | Нав кўрсаткичи | Экишдан биринчи хосил териб олингўнгача вақт | Ишлатилиши | Касалликларга нисбатан чидамлилиги |
|--------------------|---|---|-------------------|---|
| Муромский 36 | Оч-яшил, қора тиканакли, тез сарғаяди, узунлиги 6-7 см. Оғирлиги 60-70 грамм. | Тез пишадиган (35-40 кун) | Тузлашга | Фузариоз ва бактериозга тоқати йўқ |
| Вязниковский 37 | Очиқ-яшил, қора | Ўртача муддатда | Тузлашга | Унчалик кучли эмас |

| | | | | |
|-----------------|--|--|--------------------------------------|---|
| | тиканакли, узунлиги 8-11 см. Оғирлиги 80-100 грамм. | пишадиган (40-65 кун) | | |
| Неросимый 40 | Тўқ-яшил, оқ тиканакли, узунлиги 10- 12 см. Оғирлиги 100 грамм атрофида. | Ўртача вақтли муддатда пишадиган (45-70 кун) | Салатга | Грибковый касалликлар ва бактериозга нисбатан ўртача. |
| Нежинский 12 | Бой-яшил рангда, нотекис, қора тиканакли, узунлиги 9-11 см. Оғирлиги 80-100 грамм атрофида. | Ўртача кеч муддатда пишадиган (44-55 кун) | Тузлашга | Мозаикага нисбатан чидамли |
| Успех 221 | Бой-яшил рангда, нотекис, қора тиканакли, узунлиги 8-12 см. Оғирлиги 70-130 грамм атрофида. | Ўртача муддатда етилади (45- 50 кун) | Тузлашга | Грибковый касалликларга нисбатан чидамсиз |
| Изящный | Яшил ёки очиқ яшил, нотекис, оқ | Тез етилдиган (40-50 кун) | Салатга ва тузлашга ишлатилади | Нисбий |

| | | | | |
|--|---|--|--|--|
| | тиканакли, саргаймайди, узунлиги 12- 15 см. Оғирлиги 90 грамм атрофида. | | | |
|--|---|--|--|--|

Бодрингларнинг чет эллардан келтирилган элита навларига эса куйидагиларни киритишимиз мумкин:

ПАССАНДРА

Ойнали ва плёнка билан қопланган иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган дурагай бодринг бўлиб, жуда эрта пишар ва юқори хосилдор партенокарпик нав хисобланади. Ўсиш суръати бир маромда кечади ва ўсиш даражаси ўрта кучга эга. Мевалари тўқ яшил рангда, озгина ғадур-будур кўринишда бўлиб, узунлиги 15-17 см, аччиқ бўлмаган дурагайдир. Куз-қиш, баҳор мавсумларида етиштириш учун тавсия этилади. Транспорт воситаларида ташиш жараёнида ўзининг харидоргир кўринишини йўқотмайдиган нав хисобланади. Бу нав кладоспориозга ва унсифат шудринг касаллигига чидамлидир.

НАЙЛ

Ушбу бодринг очик типдаги бақувват ўсимлик, бир бўғинда бир нечтагача мева тугади ва серхосил нав хисобланади. Мевалари бир хил, ўртача яшил рангда ва узунлиги 15-17 см, цилиндрик шаклда озгина ғадир будир кўринишда ўсади. Аччиқлиги йўқ ва таъми яхшилиги жиҳатидан ажралиб туради. Бу нав кўпгина касалликларга чидамли бўлиб, шу билан бир қаторда паст хароратда ўсишга анча мослашган. Ушбу дурагайни барча мавсумларда етиштириш тавсия қилинади.

МЕЛЕН

Ойнали ва плёнка билан қопланган иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган дурагай бодринг. Селекция ишларининг сўнгги ютуқларидан

бири бўлиб, Ўзбекистон иссиқхоналари шароитларида тажрибадан ўтган ва яхши натижа кўрсатган дурагай бодринг навларидан ҳисобланади. Бу дурагай кўпгина оғир ҳоллардаги шароитларда ҳам ўзини яхши кўрсатди. Шу билан биргаликда жуда ҳам юқори ҳароратга чидамли, жуда эртапишар ва асосан кузги мавсумларди яхши ўсадиган нав. Мевалари бир хил катталиқда, тўқ яшил бўлиб, узунлиги 17-19 см. Шу билан бирга бу нав серхосилдорлиги билан ҳам ажралиб туради ва кўпгина касалликларга чидамлидир.

СОКРАТЕС

Ойнали ва плёнка билан қопланган иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган дурагай бодринг бўлиб, Пассандра навига қараганда анча юқори ҳосилдорликка эга. Бу бақувват ўсадиган навлар сирасига киради. Битта бўғинида бир нечтагина мева тугади ва мевасининг узунлиги 17-20 см га боради.

БОРХАН

Ойнали ва плёнка билан қопланган иссиқхоналарда етиштириш учун мўлжалланган дурагай бодринг бўлиб, у селекция ишларининг сўнгги ютуқларидан ҳисобланади. Бу нав Ўзбекистон иссиқхоналари шароитида тажрибадан ўтган ва энг яхши натижа кўрсатган дурагайлардан ҳисобланади. Бу дурагай ҳар қандай оғир шароитларда ҳам ўз-ўзини тиклаб ўсиш хусусиятига эгадир. Қишки мавсум учун энг чидамли навлардан бири ва меваси тўқ яшил ва узунлиги 15-18 см. Бодринг томирларининг сарғайиши ва вирусли касалликларига чидамли бўлган нав.

ПИКОЛИНО

Бу бодринг нави ўзбек фермерларига жуда ёққан ва жуда ҳам бозорбоп бўлган дурагай навдир. Ушбу нав бақувват ва ён шохлари ривожланган, ҳар бир шодасида 3-4 донадан мева тугади. Жуда ҳам серхосил бўлиб, бир бўғинда бир нечтагача мева тугади. Ҳар хил оғир шароитларда ҳам ўзини яхши кўрсатди. Мевасининг узунлиги 12 см гача етади. Сифати юқори ва меваси цилиндрик шаклдаги силлиқ, тўқ яшил рангда бўлади. Мевасининг эти жуда ҳам текис ва яхши кўринишга эга. Кўп касалликларга чидамли.

ТРИСТИАН

Биринчи янги, бутун йил давомида ўсадиган ўртача бодринг нави. Эрта мавсумда экилганида жуда хам яхши натижа кўрсатади. Жуда хам эртаки ва бақувват генератив ўсимлик бўлиб, новдалари кучли ва хосилдорлиги юқори дурагай бодринг. Хар бир шодасида иккитадан мева тугади. Мевасининг узунлиги 22-25 см гача боради. Некроз ва хлороз касалликларига чидамли бўлган нав хисобланади.

КАЛУНГА

Эртапишар, очик турдаги бақувват ўсадиган нав, аксарият оналик гулли дурагайдир. Бу дурагай кўпгина оғир холлардаги шароитларда хам яхши натижа кўрсатган. Шу билан биргаликда жуда хам иссиқ ва совуқ хароратларга чидамли. Меваси тўқ яшил, узунлиги 35-38 см, озгина қиррали холда бўлади. Ташишга ва сақлашга жуда мос ва узининг жозибадор асл товар кўринишини узоқ муддатгача йўқотмайди. Ушбу нав ўзининг серхосиллиги, ажойиб таъми ва аччиқ эмаслиги билан бошқа навлардан ажралиб туради. Шунингдек, кўпгина касалликларга хам чидамли хисобланади.

КАРДИТА

Эртапишар, очик турдаги бақувват ўсадиган нав бўлиб, у хар хил оғир шароитларга жуда чидамли ва кучли биологик кўрсаткичларга эга. Мевасининг узунлиги 32-35 см ва текис тўқ яшил рангда. Юқори хосилдорликка эга. Бу навни эртароқ, яъни декабр-январь ойларида экиш тавсия этилади.

ФЕНИКС

Ушбу дурагай янги навлардан бўлиб, унли шудринг касаллигига чидамли бўлган дурагай. Меваси юқори сифатли ва бир хил хосилдорлик даражасини сақлаб ўсади. Бақувват, ихчам ва генератив холда ўсиб, шодаларини бир текисда тугади ва оналик гулларини яхши ушлайдиган хусусиятга эга. Ёруғлик кам пайтда хам яхши ўсади. Хосилдорлиги юқори бўлган такдирда хам ўз қоматини ушлай оладиган дурагай навдир. Илдиз

тизими яхши ривожланиб, ўсимликни узоқ мавсум давомида сақлаб етиштириш мумкин. Дурагай очик типда ўсиб, ўзининг мувозанатини сақлайди, бу эса ўсимлик билан ишлашни қулайлаштириб, хосилдорликни кўпайтиради. Мевалари тўла, текис шаклда, узунлиги 33-34 см гача бўлиб, хосилдорлик даражаси юқори бўлган дурагай.

ДЖАЗЗЕР

Бу бодринг нави слейсер типдаги чўтир бодринглар турига мансуб бўлиб, энг яхши америкача нав хисобланади. Бақувват ва очик типдаги ихчам ўсувчи дурагай. Мевалари цилиндрсимон, бир хил шаклда, тўқ яшил рангли, оқ тукли, аччиклиги йўқ бодринг хисобланади. Жуда хам эртапишар нав бўлиб, мевасининг узунлиги 18-22 см бўлади. Бу нав бодринг мозаикаси вируси, унли шудринг ва кладоспориоз касалликларига чидамли хисобланади.

2. Бодринг уруғларини экишга тайёрлаш

Бодринг уруғларидан сифатли кўчатлар олиш ва уруғларнинг экилиш хамда униб чиқиш сифатини ошириш учун унга турли хил усуллар ёрдамида ишлов бериш керак бўлади.

Уруғларни массаси (огирлиги) бўйича калибровка қилиш (саралаш):
Уруғларни 3% ли ош тузи эритмасига 5-6 минут давомида солиб қўйилади. Ундан сўнг чўкканларини ажратиб олиб, уларни сувда яхшилаб ювилади ва қуритилади.

Уруғларни қиздириш:

Бодринг уруғларини қуйидаги тасвирда келтирилган сув хаммомида 55-60 градусда 2-3 соат давомида қиздирилади.



Ўзгарувчан ҳароратларда уруғларни чиниқтириш:

Бироз унган уруғларни микроэлементлар билан бойитилган эритмада (1 литр сувга 0,1 грамм борний кислота, 0,05 грамм марганцовка, 0,03-0,05 грамм аммоний-молибден тузи солинади) бир сутка давомида ушлаб турилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши:

Бодринг уруғларига ТМТД ва ГХЦГ лар билан ишлов берилади. Бунда 1 кг қурук бодринг уруғига хар бир препаратдан 8 граммдан қўшилиши керак бўлади. ***Бодринг уруғларининг чидамлилигини ошириш*** учун уларни ичимлик содасининг 0,5-1% ли эритмаси билан, 0,002% ли алюминий ачитқисида, ўсиш элементларида (гетероауксин, гиббереллин ва бошқаларда) хўллаб олинади. Униб чиққан уруғларни 10-12 градусгача қиздирилган намгар тупроққа экилади.

3.Экин майдонини танлаш ва тупроқни қайта ишлаш

Бодринг етиштириш учун юқори унумдорли, енгил, озуқа моддаларига бой ва яхши ишлов берилган тупроқлар маъкул бўлади (енгил суглинистик ва кумли тупроқлар). Бодрингларни жанубга ёки жануби-шарққа қараган, совук хаво оқимларидан химояланган жойларда экиш мақсадга мувофиқ бўлади. Тупроқни кузда камида 22-25 см чуқурликда шудгор қилинади. Бахорда, экиш пайтида эса 18-20 см чуқурликда хайдалиб, ер текисланади.

Ўғитлар солиш нормалари

1 метр квадрат ер майдонига солинадиган ўғит миқдорлари:

- Органик ўғитлар, кг 6 – 9
- Минерал ўғитлар, граммларда:
 - азотли ўғитлар (аммиак селитраси) 15 – 20
 - фосфорли ўғитлар (суперфосфат) 25 – 35
 - калийли ўғитлар (калий тузи) 15 – 25

Бодринг вегетация даврида 3-4 марта озиклантирилади. Биринчи озиклантиришда азот-калийли ўғитлардан фойдаланилади (5 г/метр квадрат калий тузи ҳисобидан). Иккинчи озиклантиришда фосфор-калийли ўғитлар ишлатилади (5 – 10 г/метр квадрат ҳисобидан). Вегетация даври охирида учинчи озиклантириш амалга оширилади. Бу иш азот-калийли ўғитлар орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқ (1 квадрат метрга 8 – 10 г калий селитраси ҳисобидан).

Енгил ва яхши иситиладиган ерларда гўнгни 6 – 9 кг/метр квадрат ҳисобидан сочиб ташланади ва ер дарҳол чопилади.

Шарбат билан суғоришни минерал ўғит билан биргаликда амалга ошириш мумкин (3 – 5 литр/метр квадрат ҳисобидан).

Компост тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган чиқитлар ва моддаларни кўрсатиб ўтамыз:

| Азотга бой чиқитлар ва ўсимликлар (хул) | Карбонга (углерод) бой ўсимликлар (курук) | Бошқа чиқитлар (оз миқдорда) |
|--|--|---------------------------------|
|--|--|---------------------------------|

| | | |
|---|---|--|
| <ul style="list-style-type: none"> • Бегона ўтлар • Янги юлинган ўсимликлар • Барглари кўк шох-шаббалар • Карам барглари • Помидор палаги • Мева-сабзавот пўчоқлари • Ошхона органик чиқитлари • Хайвонлар гўнги • Хайвон жунлари • Тухум пўчоғи, суяклар | <ul style="list-style-type: none"> • Курук барглар • Маккажўхори ва буғдой поялари • Майдалаб қирқилган шох-шаббалар (хаво айланишини яхшилайти) | <ul style="list-style-type: none"> • Дарахт гуллари • Патлар ва йиртилган ва нам қоғозлар (рангсиз) • Товуқ гўнги |
|---|---|--|


Чиринди тайёрлаш учун янги мол гўнги, қўй гўнги, от гўнги ёки товуқ гўнги ишлатилиши мумкин. Гўнглари қазилган хандакка тўкилганидан сўнг, уларнинг устидан бироз азот, фосфор, калий, микроэлементлар солиб, яхшилаб аралаштирилади, сўнгра чуқурнинг ўзиде босилиб, прессланади. Унинг устидан бироз хаво қирадиган қилиб беркитилса, гўнг тез чирийди. Чириган гўнгнинг тайёр бўлиш муддати 6-8 ой. Агарда гўнгдан сийдик хиди келаётган бўлса, у хали тайёр бўлмаган бўлади.

4. Уруғларни экиш ва кўчатларни ерга кўчириш


Бодринг уруғларини очик ерга экиш хаво харорати 10 градусдан юқори бўлганида амалга оширилади. Тайёрланилган уруғлар 3-4 см чуқурликка экилади. Қаторлар орасидаги масофа 60 – 70 см ва қатордаги ўсимликлар орасидаги масофа 8 – 10 см бўлгани маъкул. Уруғларнинг униб чиқиши 12-15 градусларда бошланади ва майсалар 4 – 6 кунда кўриниб қолади. Эртаки

бодринг олиш учун кўчатлар ёки уруғларни вақтинчалик плёнкалар тагига экиш керак. Плёнка тагида ўстириш учун уруғ экишни ёки кўчат экишни очик ерга нисбатан 1,5 – 2 хафта олдин бошлаш керак бўлади. 12 – 15 кунлик кўчатларни доимий жойга ўтказиш мумкин бўлади. Ўтказиладиган кўчат 3 – 4 та хақиқий баргга эга бўлиши лозим. Бунинг учун уруғларни хосилдор тупроқ билан тўлдирилган пленкали ёки торфли тувакчаларга экилади (хар бир тувакчага 2 -3 уруғ экилиши керак бўлади). Тувакчаларда кўчат етиштириш учун 5 қисм торф, 3 қисм чиринди, 1 қисм тупроқ ёки қум, 1 қисм ёғоч қириндиси қўшиш керак бўлади.

Кўчатларни каторлаб экилади ва бунда каторлар орасидаги масофа 60-70 см, каторлардаги кўчатлар орасидаги масофа 30-35 см (1 метр квадратга 8 – 10 кўчат тўғри келиши керак, бир жойга эса 2 та кўчат экилади). Қуйида келтирилган схема асосида полиэтилен плёнка ёпилган (каркас кўринишидаги туннелли вақтинча иссиқхоналар) жойларда эса бодринг кўчатлари 50 X 60 (40 X 80) см ли ленталар кўринишида экилади ва бунда каторлардаги кўчатлар орасидаги масофа эса 30 – 35 см бўлиши керак бўлади:



табiiй кимёвий реакциялар натижасида чириши туфайли хосил бўлган иссиқлик сабабли яхши ўсади ва мўл-кўл хосил беради:



Бу ерга янги сўнг кумилган

5. Бодрингни парвариш қилиш

Бодринг кўчатлари сифатли суғоришга жуда хам талабчан бўладилар. Биринчи суғорув уруғларни экишдан 6 – 7 кун кейин амалга оширилади, кўчатлар экилганида эса кўчатни экилган кунда суғориш лозим бўлади. Майсалар кўрингунича суғориш нормаси 1 метр квадрат ерга 15 – 20 литр, майсалар кўрингандан сўнг эса суғориш нормаси 1 метр квадрат ерга 20 – 25 литр бўлиши талаб қилинади. Кўчатларни кечки вақтлар илиқ сув билан суғорган маъқул бўлади. Суғоришни озиклантириш билан биргаликда олиб борган мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бодрингларнинг ўсиш жараёнида уларни икки марта яганалаш керак бўлади. Биринчи яганалашда ўсимликларни 4 – 5 см ораликда қолдирилади, иккинчисида эса кўчатлар орасидаги интервални 8 – 10 см гача кўпайтирилади. Ягана қилинганида олиб ташланган кўчатларни бошқа жойга кўчириб ўтказиш хам мумкин. Яганалангандан сўнг бодринг кўчатларига шарбат берилади ва ундан сўнг улар суғорилади.

Кўчатлар экилишидан аввал ва бодринг ўстирилаётган барча муддатда ер майдони бегона ўт-ўланлардан тоза бўлиши керак. Суғоришдан кейин ёки қаттиқ ёмғир ёққанидан сўнг бодринг 3 – 5 см чуқурликда чопиқ қилинади.

Кўчат катта бўлиб, ўсимликлар бирлашиб кетгандан сўнг, чопиқ қилмаса ҳам бўлади. Пленкалар тагида бодринг ўстиришда харорат қандайлигини билиб, уни бошқариб туриш керак: агар харорат 30 градусдан юқори бўлиб кетса, у холда плёнка тагидаги бодринглар шамоллатилади ёки пленка бутунлай олиб ташланади.

Бодринг ўстираётганда унинг ён томонга шохланиши учун кўчатнинг устки қисми 4 – 5 хақиқий баргдан сўнг чилпиб ташланади. Баъзи холларда бу иш кўчатлар парникдалик пайтда ҳам амалга оширилиши мумкин.

6. Хосилни йиғиш ва сақлаш

Бодринг хосилини йиғиш ва сақлаш, уни ўстириш ва парвариш шарт-шароитларидан ҳамда бодринг навидан келиб чиққан холда экилганидан сўнг 35 – 60 кунларда амалга оширилиши мумкин. Бодринг хосилини 1 – 2 кунлик интервалларда йиғиб олган маъкул. Бодрингни хосил берадиган шохчаларни босиб (ушлаб) турган холда танасидан узиб олинади. Энг яхши бодрингларнинг узунлиги 9 см дан ошмаслиги керак. Хунук ва бадбашара бодринглар бўлса, улар узиб, олиб ташланади. Бодрингларни сақлаш учун уларни полиэтилен пакетларга солиб қўйилади. Агар бодринглар салқин жойда (подвал, холодильник ва бошқаларда) сақланилса, у ўзининг товар кўриниши ва ажойиб таъмини 10 кундан кўпроқ сақлайди.

Уруғ тайёрлаш учун соғлом ва яхши ривожланган ўсимликлар танланади ва уларда фақат битта ёки иккита бодринг қолдирилади. Бодрингларни уруғ олиш учун у биологик жихатдан тўла етилганида ва ушбу нав учун характерли бўлган рангга бўялганидан сўнггина узиб олинади. Уруғлар олишдан олдин бодринглар ёруғ ва иссиқ хонада 5-10 кун давомида етилтириладилар. Бунда бодринг анча юмшаб қолади ва ундан уруғ ажратиб олиш анча енгиллашади. Ажратиб олинган уруғларни 2-4 кун давомида сақлаб, ачитилади ва сўнгра улари сувда ювиб, уруғлар ажратиб олинади ва кейин ушбу уруғлар қуритилади. Бундай усулда 1 Кг бодринг меваларидан 10-15 граммгача қуритилган бодринг уруғини олиш мумкин. Агар бу уруғлар

нормал шароитларда сақланилса, улар 10 йил давомида кўкариш қобилиятини сақлаб қоладилар.

7. Касалликлар ва зараркунандаларга қарши кураш

Бодрингнинг ҳам бошқа сабзаёт маҳсулотларига ўхшаб бир қанча касалликлари борки, уларни билиш фойдадан холи бўлмайди. Касалликлар кўпинча август ойида пайдо бўлади ва тез ривожланади. Лекин бодрингдан кўплаб хосил олаётган даврда кимёвий препаратлардан фойдаланиш мумкин эмас. Аммо кимёвий химикатлар билан ишлаганда албатта хавфсизлик техникаси қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур бўлади. Ушбу касалликларнинг номлари, белгилари ва уларга қарши самарадор курашиш усуллари қуйидаги жадвалда келтирилган:

| Касалликлар | Касаллик белгилари ва кўринишлари | Кураш усуллари |
|-----------------------|---|--|
| Унли шудринг | Касаллик юқори намгарчиликда ва харорат тез-тез ўзгариб турган пайтларда ривожланади. Бодринг баргларида ва ўсимлик таналарида оқ ёки оқ-сарик унсимон модда пайдо бўлади. Олдин жуда ҳам кичик бўлган доғлар кейинчалик катталашиб, бутун ўсимлик танаси ва барглари қоплаб олади. Натижада барглар қуриydi ва ўсимлик ҳалок бўлади. | Алмашлаб экишга қатъий риоя қилиш. Хосил олиниб бўлинганидан сўнгги ўсимлик қолдиқларини дархол йўқотиш. Ерни чуқур ва қайта-қайта хайдаш. Хароратнинг тез-тез ўзгариб туришининг олдини олиш. Касалликларга чидамли навларни ўстириш. Коллоид олтингургуртнинг 0,5% ли эмулсиясини пуркаш. Бу дори пуркашлар хар 10 – 15 кун қайтадан амалга оширилиш керак: 0,1% ли бордос суюқлиги билан, 0,5% ли каптан суспензияси билан ёки 0,1 – 0,15% ли каратан эритмаси билан, 0,5% ли мисли хлор эритмаси билан. Эритма сарфи 1 метр квадратга 0,006 литр бўлади. |
| Антракноз ёки медянка | Бу касалликнинг илк белгилари ўсимлик илдиз қисми тепасида ва баргларида доғлар кўринишида пайдо бўлади. Мевасида ҳам чуқурланган яра кўринишида бўлади. Касалликнинг жадал ривожланишига юқори намгарчилик ва юқори харорат сабаб бўлади. Кичкина ва алоҳида жойлашган яралар кейинчалик кўпайиб, бодрингнинг холини | Экин алмашинувга қатъий риоя қилиш. Хосил йиғиб олинганидан сўнг ўсимлик қолдиқларини зудлик билан йўқотиш. Уруғларга тегишли ишлов бериш, кўчатларга бодосс суюқлиги билан, мис хлороокиси билан, каптан ёки каратан билан ишлов бериш. Бунда эритма концентрацияси унли шудрингга |

| | | |
|-----------|--|--|
| | хароб қилиши мумкин. Касаллик микроблари тупроқда, ўсимлик қолдиқларида ва уруғларда сақланиб қоладилар. | қарши кўрсатилган каби бўлиши керак бўлади. |
| Бактериоз | Ушбу касалликни қўзғатувчи микроорганизмлар бактериялар бўлиб, улар уруғларда ва хосилдан кейинги ўсимлик қолдиқларида сақланадилар. Ўсимлик бу касалликка чалинганида унинг барча ер устки қисмлари зарарланадилар. Касалликнинг бошланғич даврида тугаётган бодрингчалар усти қисмида қора сувли доғлар пайдо бўлади. Кейинчалик касаллик барглар ва бодрингларга ҳам ўтади. Меваларда думалок доғлар хосил бўлиб, улар кейинчалик яраларга айланадилар. Касалликнинг жадал ривожланишига юқори намгарчилик ва юқори харорат сабаб бўлади. | Экин алмашинувга қатъий риоя қилиш. Хосил олиниб бўлинганидан сўнгги ўсимлик қолдиқларини дархол йўқотиш. Суғоришни бироз камайтириш, уруғларни чиниктириш ва уларга касалликларга қарши дорилар билан ишлов бериш. Иш қуролларини дезинфекция қилиш. Ўсимликларга фунгицидлар билан кимёвий ишлов бериш (бордосс эритмаси, мис хлор окиси, цинеб, каптан, каратан ва бошқалар). Бунда эритма концентрацияси унли шудрингга қарши кўрсатилгани каби бўлиши керак бўлади. |

Хосил йиғиб олинганидан сўнг албатта ўсимлик қолдиқларини йўқотиш ва ёқиб юбориш керак, ерни эса минерал ва маҳаллий ўғитлар сочиб ҳамда унга керакли кимёвий химоя воситалари билан ишлов берган ҳолда бир неча марта чуқур хайдаш керак бўлади.

Бодрингни *иссиқхоналар шароитида этиштирилганда* ҳам юқорида кўрсатилган санитар-профилактик тадбирларга риоя қилиш керак бўлади (яъни, ўсимлик қолдиқларини йиғиш, дезинфекция қилиш ва йўқотиш, иссиқхона элементларини ҳамда ундаги тупроқни дезинфекция қилиш).

Бегона ўтлар билан курашиш, агротехника тадбирларини тўғри ташкил қилиш ва ўтказиш, алмашлаб экиш, иссиқхонада бир вақтнинг ўзида сабзаёт ва гуллар ўстирмаслик, кўчатларни жуда ҳам зич экмаслик, ўғитларни нормадан кўп миқдорда солмаслик (айниқса азотли ўғитларни), иссиқхонада ҳаво ва тупроқнинг оптимал хароратини сақлашга эришиш - бодрингнинг касалликларга чалинмаслигининг асосий шартларидандир.

Бодринг уруғларини икки йил сақлагандан сўнг экиш мақсадга мувофиқдир. Агар бундай имконият бўлмаса, у ҳолда уруғларга термик ва

кимёвий усулларда ишлов бериш керак бўлади. Термик ишлов беришда уруғларни уч сутка 50-52 градусда, кейин бир сутка 80 градусда ушлаб туриш керак бўлади. Уруғларга кимёвий ишлов беришда қуйидаги препаратлардан фойдаланиш мумкин: 70% ли тигам куруқ порошоги (3-4 кг/тонна) ёки 80% ли ТМТД куруқ порошоги (4 кг/тонна).

Бодрингни зарарли чивинлардан химоялаш учун 50% ли актеллик эмулсиясидан (3-7,5 литр/гектар) фойдаланиш мумкин. Ўргимчак кананинг биринчи кўринишлари пайдо бўлганда биологик усулни қўллаш мумкин (фитосейлус канасининг бир ўсимликка 40-60 тадан нусхаси касалликни даф қилиши мумкин). Ўргимчак канага қарши кимёвий препаратлардан қуйидаги турларини ишлатиш мумкин (акарицидлар): 50% лик актеллик эмулсияси (3-7,5 литр/гектар), 50 % ли тедион куруқ порошоги (3-9 кг/гектар), 18% ли дикофол эмулсияси (8-10 литр/гектар) ёки 20% ли хлорэтанол эмулсиясидан (8-10 литр/гектар).

Трипс ва битларга қарши 50% ли актеллик эмулсияси (3-7,5 литр/гектар) ёки 50% ли карбофос эмулсиясидан (2,4-3,5 литр/гектар) фойдаланиш мумкин. Иссиқхона оқ капалагига қарши ҳам 50% ли актеллик эмулсияси (3-7,5 литр/гектар) ёки 50% ли карбофос эмулсиясидан (2,4-3,5 литр/гектар) фойдаланиш мумкин.

Доимий ва систематик равишда касалланган ўсимликлар ёки барглари йўқотиш зарур. Агар бодринг ўсимлиги танасида оқ ёки кўкимтир чириш касаллиги белгилари пайдо бўлса, касалланган жойларни 50% ли роврал ёки 50% ли ронилан ёки 50% ли сумилекс порошокларини мел ёки охак билан 1:1 ёки 1:2 нисбатда аралаштириб суртилади.

Унли шудрингга қарши самарадор курашиш учун бир қанча фунгицидлардан фойдаланиш мумкин. Масалан 5% ли Байлетон куруқ порошоги (1-3 кг/гектар), 50% ли Каратан эмулсияси (0,5- 1 литр/гектар), коллоидли олтингугурт ёки олтингугурт куруқ порошоги (2-4 кг/гектар).

Ўргимчак канага қарши Донитолни 1л/га ёки Неопонни 1,5 л/га, ёки бўлмаса Омайтни 2 л/га ёки Ниссоранни 0,3-0,5 л/га ҳисобида пуркаш тавсия

этилади. Шираларга қарши БИ-58 дорисидан 1-1,5 л/га ёки Нурелл-Дни дан 0,5 л/га ёхуд Актелликни 1,5 л/га ёки Толстарни 0,8 л/га ҳисобидан фойдаланиш талаб этилади. Оқ қанот личинкасига қарши Аплауд препаратидан 0,5 кг/га ва Толстар препаратидан 0,8 л/га пуркалса, оқ қанот ва унинг личинкасига 95-99% таъсир қилади.

Ун шудринг ва сохта ун шудринг касалликларига қарши Топсин-М дан 0,7 кг/га ёки Топаздан 0,5 л/га қўллаш мумкин. Сапрол эса 0,8 л/га ҳисобидан ёхуд сувда эрувчан 85% ли олтингугуртдан 4 кг/га ҳисобидан пуркаш мумкин. Юқорида келтирилган препаратлар очик майдонларда гектарига 600 литр, ёпиқ майдонларда эса 1 тонна сувга аралаштириб сепилади.

Энди Ўзбекистонда маҳаллийлаштирилган бодринг навларининг энг асосий касалликлари ва уларга қарши қандай курашиш кераклиги хақида маълумот бериб ўтамыз:

Мозаика касаллигига йўлиққан бодрингларнинг ёш барглари сарғиш-яшил тусга киради, мевалари хунуклашади ва эски барглар юзаси ғадир-будур бўлиб қолади. **Бу касалликка қарши самарадор кураш чоралари қуйидагилар:** бодринг уруғларини экишдан аввал 1% ли калий марганец (марганцовка) эритмасида 30 минут давомида зарарсизлантириб, сўнгра оқар сувда ювилиб қуритилади. Ундан кейин 2-3 марта қуйидаги эритма пуркалади: 1 литр ёғи олинган сут, 5 грамм Бор элементи ишқори (борная кислота), 20 грамм Арсон кемира ёки «Сударушка» озукиси ва 9 литр сув. Бундай ишлов беришлар оралиғи 10-12 кун бўлиши керак.

Антрактоз касаллигига дучор бўлган бодрингларнинг баргларида йирик сарғиш-қўнғир доғлар пайдо бўлади ва натижада барглар қурийдди. Бодрингнинг банд ва новдалари эса кейинрок қорая бошлайди, мевалари аччиқ бўлиб қолади. Касаллик хаво намлиги юқори бўлган шароитларда кучаяди. Бу касаллик ўсимлик қолдиқлари орқали ва баъзан уруғлардан ҳам тарқаш мумкин. Касалликка қарши кураш чоралари: унга йўлиққан бодрингларни 1% ли бордосс суюқлиги ёки 0,4% ли Хом препарати билан пуркаш яхши натижаларга олиб келиши мумкин.

Унли шудринг касаллигига йўлиққан бодрингларнинг барглари юзасида оқ унсимон доғлар пайдо бўлади ва улар кейинрок барглар остида, бандлар ва новдаларда пайдо бўлади. Юқори хаво намлиги касаллик ривожланишига туртки бўлади. Касаллик замбуруғлари ўсимлик қолдиқларида ҳам сақланиб қолади ва хаво орқали тарқайди. Кураш чоралари: Хар 100 кв. метр ер майдонида 300 грамм хисобидан туюлган олтингугурт чанглатиш ёки 0,3% ли коллоидли олтингугурт пуркаш амаллари хар 7-8 кунда такрорланиб турилиши керак бўлади. Бундан ташқари 4-6 грамм Квадрис, 2-3 грамм Строби, 10 мг Топсин ёки 1,5 грамм Топазни 10 литр сувга солиб, пуркаш ҳам мумкин (хар 100 квадрат метр хисобидан).

Пероноспороз (сохта унли шудринг) касаллигига чалинган бодринглар баргларининг юзасида сарғиш-сарик доғлар пайдо бўлади, улар кейинчалик қўнғир-сарик тусга киради, пастки тарафда эса кулранг-сафсар рангли ғубор пайдо бўлади. Кейинчалик доғлар катталашиб, барглар қурий бошлайди. Касаллик ўсимлик қолдиқларида сақланиб қолади. Кураш чоралари: Ўсимликка 1% ли Бордосс суюқлигини ёки 0,4% ли Хом препаратини ёхуд 20 г Оксихом, 20 грамм Ридомил, 4-6 грамм Квадрис ёки 3 грамм Стробис препаратларидан бирини пуркаш касалликни енгишга ёрдам беради.

Бактериоз (қиррали доғланиш) касаллигида бодринг баргларида ёғсимон, қиррали жигарранг доғлар пайдо бўлади ва натижада барглар сўлинқираб, қўнғирлашади ва тўкилиб кетишади. Новдаларда, баргларда ва меваларда катта бўлмаган сувли доғлар қуриб, чуқур яраларга айланади. Касаллик ривожланишига юқори хаво намлиги ва харорат сабаб бўлади. Инфекция уруғларда ва ўсимлик қолдиқларида сақланиб қолади. Кураш чоралари: Ўсимликка 1% ли Бордосс суюқлигини ёки 0,4% ли Хом препаратини пуркаш яхши натижа беради.

Кулранг чириш касаллигида бодринг ўсимлигининг зарарланган қисмларида замбуруғнинг кулранг ғубори пайдо бўлади ва меваси чириб,

тўкилади. Замбуруғ ўсимлик қолдиқларида сақланиб қолади. Кураш чоралари: 10 грамм Топсин ёки 15-20 грамм Эупарен препаратини ишлатиш яхши самара беради.

8. Бодрингни консервалаш ва сақлаш



Мариновка қилинган сабзавотлар гўштли овқатларга, ковурилган балиққа жуда ажойиб қўшимча - гарнир бўладилар. Ундан ташқари, улардан салатлар, винегретлар ва бошқа таомлар ҳам тайёрлаш мумкин. Сабзавотни маринадлаш учун сабзавотнинг ўзи, маринад суви ва турли хил хушбўйлантурувчи қўшимчалар керак бўлади. Мариновка қилиш учун бодринг, помидор, патиссон, қалампир, пиёз, лавлаги ва шунга ўхшаш сабзавотларни ишлатиш мумкин. Маринад сувини тайёрлаш учун сув, 6% ли уксус, туз ва шакар керак бўлади. Маринад тайёрланилиши қуйидаги тегишли бўлимларда кўрсатилган рецептларидаги туз ва шакар миқдорини эмалли кастрюлка ёки пақирга сув иситилаётган пайтда қўшиб, тез-тез аралаштириб туриб эритилади. Шакар билан туз тамоман эриб бўлганидан сўнг, хосил бўлган эритма 5-10 минут давомида қайнатилади ва ундан сўнг 2-3 қаватли марлидан ўтказилиб, филтрланади. Энди қайнатилган ва филтрланган эритмага рецептурада кўрсатилган миқдорда уксус солинади.

Маринад сувини тайёрлашда унинг қанча миқдорда керак эканлигини олдиндан билиш талаб қилинади. Бунинг учун сизга қуйидаги маълумотларни билиш жуда фойдали бўлади: тайёр консерваларда 60-65% сабзавотлар ва 35-40% маринад суви бўлади. Демак, 0,5 литрли банкага 200 грамм, 1,0 литрли банкага 400 грамм, 3,0 литрли банкага эса 1,0 килограммдан кўпроқ маринад суви кетар экан.

Консерваланган янги бодринглар

Энг аввало бодринглар яхшилаб ювилади ва ундан сўнг четларин қирқилиб, 6-8 соат совуқ сувга солиб қўйилади. Бодрингларни консервалаш учун хушбуй кўкатлардан укроп, яшил ёки қизил қалампир ва саримсоқ пиёз кабилар ишлатилади. Укропни 3-5 см узунликда кесилади. Аччиқ яшил ёки қизил қалампирни узунлиги бўйича иккига бўлинади. Чеснокни тозаланиб, хар бир бўлакчаси иккига бўлинади. Кўкатлар ва бодрингларни 0,5 литрли банкаларга солинаётганда қуйидагиларга риоя қилиш яхши натижа беради: бодринг – 300 грамм, укроп – 5 грамм, қалампир – 0,5 дона, чеснок 2 бўлакча.

Агар истасангиз, кўкатларнинг кўрсатилган миқдорида қўшимча равишда яхши ювилган ва қирқилган селдерей барглари, хрен баргини, экстрагонни ва хидли мурч доналарини қўшиш мумкин. Лекин бунда хар бир 0,5 литрли банкага қўшиладиган кўкатлар миқдори 15 граммдан ошмаслигига эътибор бериш керак бўлади.

Тозалаб ювилган ва буғда стерилизация қилинган банкаларнинг тагига тайёрлаб қўйилган кўкатларнинг рецептга биноан ярми солинади, сўнгра бодринг солиниб, устидан кўкатларнинг қолган ярми солинади. Ундан сўнг банкага иссиқ маринад суви солинади (харорати 70-80 градусдан кам бўлмаслиги керак). Маринад суви юқори қатордаги бодрингларни бутунлай кўмиб туриши керак бўлади. Маринад сувини тайёрлашда 0,5 литрли банка учун қуйидагилар керак бўлади:

- Сув – 200 грамм
- Туз – 12- 15 грамм
- 6% ли уксус – 32-40 грамм.

Тўлдирилган банкаларни қоқоқлар (крышклар) билан ёпиб, 100 градуста стерилизация қилинади:

- 0,5 литрли банкалар – 6-8 минут
- 1 литрли банкалар – 9-10 минут
- 3 литрли банкалар – 18-20 минут.

5 литр консерва тайёрлаш учун қуйидагилар керак бўлади:

- Янги бодринглар - 3 кг
- Укроп – 50 грамм
- Аччиқ калампир – 5 дона
- Чеснок – 20 булакча
- Туз – 120 грамм
- 6% ли уксус – 350 грамм

Тузланган боринглар

Бодрингларни тузлаш учун 9-14 см-ли, юпка тўқ-яшил пўстлоқли, устки қисми ғадир-будурроқ бўлган кичкина бодринглар танланади. Бодринглар ўлчамлари бўйича ажратилади ва 2-3 соат давомида совуқ сувга солиб қўйилади. Кейин бочкага ёки бирор бир идишга тахланади. Бу идиш тагига кўкатлар солинади, ундан сўнг бир қатор бодринг терилади, кейин яна кўкатлар солинади, сўнгра яна бодринглар ва хоказо. Идиш тўлганидан сўнг, унинг уски қисмига яна хушбуй кўкатлар солинади. Хушбуй кўкатлардан укроп, хрен илдизи, аччиқ калампир ва чеснок ишлатилади. Тузланган бодрингларнинг мазаси ва кўринишини яхшилаш учун қора смородина ёки олча баргларини, экстрагон, петрушка ва селдерей баргларини солиш ҳам тавсия этилади. 10 кг бодринг тузлаш учун хушбуй кўкатларнинг умумий сони 500 граммдан ошмаслиги керак, шу жумладан, чеснок ҳам 10-12 бўлакчадан кўп бўлмагани маъқул. Рассол (солинадиган шўр эритма) тайёрлаш учун 10 литр сувга 700-800 грамм туз қўшилади. Туз эриб бўлганидан сўнг, олинган рассол 3-4 қават дока ёрдамида филтрланади. Бодринглар қанчалик катта бўлса, рассолдаги туз миқдори ҳам шунча кўп бўлиши керак бўлади.

14- 15 кундан сўнг ачиш жараёни тугайди ва бодринглар истеъмолга тайёр бўладилар. Тузланган помидорларни узокроқ муддатга сақлаш учун уларни подвалда ёки холодилникда 4 градусдан баланд бўлмаган, аммо ноль градусдан паст бўлмаган хароратда сақлаш керак бўлади.

10 кг бодринг тузлаш учун қуйидаги таркибий қисмлар керак бўлади:

- Укроп – 300 грамм
- Хрень – 50 грамм
- Аччиқ гаримдори – 3-5 дона
- Чеснок – 10-20 бўлакча.

Тезда етиладиган бодринглар

Бодрингларни оқар сувда яхшилаб ювилади ва сўнгра 2-3 соат давомида совуқ сувга ботириб қўйилади. Кейин икки томондаги учлари кесилиб, тагига хушбўй кўкатлар солинган банкаларга зич қилиб жойлаштирилади. Банканинг юқори қисмига ҳам хушбуй кўкатлар (укроп, селдерей, аччиқ гаримдори, чеснок) солинади. Ундан сўнг банкаларга қайнатилган ва иссиқ (50-60 градусли) рассол қўйилади-да, банкаларнинг усти кришкалар билан ёпилиб (ёки марли билан бойланиб) қуёш тушадиган жойга қўйилади. Натижада 3-4 кунларда тузланган бодринглар истеъмолга тайёр бўладилар.

Стерилизация қилинган кам тузли бодринглар

Чала тузланган боринглар рассолдан, кўкатлардан ва бошқа таркибий қисмлардан ажратилиб олиниб, иссиқ сувда (40-50 градусли) ювиладилар ва 0,5 литрли банкаларга 290-300 грамм солинадилар. Банканинг тагига янги укроп, чеснок ва аччиқ гаримдори солинади. Энди 70-80 градусли тоза рассол билан банкалардаги бодринглар тўлдириладилар.

Тўлдирилган банкалар 90 градусда стерилизация қилинадилар:

- 0,5 литрли банкалар 10-12 минут
- 1,0 литрли банкалар 12-15 минут
- 3,0 литрли банкалар 15-20 минут

Стерилизация қилинмасдан консерваланган бодринглар

Стерилизация қилинмасдан консервалаш технологияси худди юқорида кўрсатиб ўтилган усулдагича стерилизация қилиб, ундан сўнг консервалагандагидек усулда бўлади, лекин бунда бодринг ва кўкатлар билан (чеснок ва гаримдорисиз) тўлдирилган банкага қайнаб турган сув қуйилиши керак бўлади. Банка ёрилиб кетмаслиги учун сувни банканинг ўртасидан

аста-секинлик билан қуйиш зарур бўлади. Қайноқ сув қуйилган банкалар крышка билан ёпилгандан сўнг, сочиқ билан ўралиб, 3-4 минут сақланадилар. Ундан сўнг банкадаги сув тўкиб ташланади ва унга яна қайнаган сув қуйиб, сочиқ билан ёпилиб, яна 3-4 минут сақланади. Банкадан иккинчи марта сувни тўкиб ташлагандан сўнг, унга чеснок билан гаримдорини солиб, банкага яна қайнаб турган эритма солинади. Бу эритмани тайёрлашда 0,5 литрли банка учун қуйидагилар керак бўлади:

- Сув – 200 грамм
- Туз – 12- 15 грамм
- 6% ли уксус – 32-40 грамм

Энди крышкани ёпиб, уни маҳкамлаб ташлаш мумкин. Банкаларни маълум муддат крышкани ерга қараган холда қуйиш керак бўлади.

Шифобахш бодринг шарбати (соки)

Бодрингларда юқори миқдорда йод, калий, темир ва фосфор элементлари, биров миқдорда каротин моддаси, С, Р, РР, В₁ ва В₂ витаминлари мавжуд. Бодринг соки сийдик хайдайдиган, кислота миқдорини пасайтирадиган ва ични юмшатадиган хоссаларга эга бўлгани учун уни ич қотганда, юрак касалликлари туфайли шишлар пайдо бўлганда, танага сув йиғилганда ишлатилади. Бодринг соки иштаҳани яхшилади, оксил ва ёғларнинг сурилишини меъёрига келтиради ва уни ошқозон-ичак йўллари колитларида оғриқ қолдириш воситаси сифатида ҳам ичилади. Юқори нафас органлари касалликларида бодринг сокини ёки унинг асал билан аралашмасини истеъмол қилиш тавсия этилади. Ревматик касалликларда эса бодринг сокининг сабзи ва лавлаги соклари билан аралашмасини ичиш яхши натижа беради. Бодринг соки таркибида калий элементи кўп бўлгани учун у юрак касалликлари ва гипертонияни даволашда фойдали хисобланади. У юрак мушакларини мустаҳкамлайди, нерв тизими ишини яхшилади, атеросклерознинг ривожланишига халақит беради ва қарияларда хотирани яхшилашга имкон беради. Бодринг сокидаги фойдали элементлар инсон терисига, тирноқларига ва сочларига ижобий таъсир қилади. Юздаги пигмент

доғларини, сепкилни ва тошмаларни йўқотиш учун ҳам янги бодринг соки юзга суртилади. Бодринг соки айниқса ёғли юз терисига яхши таъсир қилади. Бир кунда бодринг сокининг 100 миллилитргача бўлган миқдорини истеъмол қилиш мумкин.

9. Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати

1. Ўсимликшунослик. ТДАУ буюртмаси асосида чоп этилган. - Тошкент: «Меҳнат» нашриёти. 2000 йил. – 272 бет.
2. Томорқа сабзавотчилиги. Бўриев Х.Ч. ва бошқалар. – Т.: ТДАУ, Меҳнат: 1987. -216 бет.
3. Сабзавот ва полиз экинларининг тавсия этиладиган навлари ва етиштириш технологияси бўйича тавсиянома. Р. Хакимов. Уз СПЭ ва КИТИ. - Тошкент, 2006. – 28 бет.
4. Микробиологик ва янги турдаги фосфор ўғитини помидор ва картошка етиштиришда қўллаш бўйича тавсиянома. В. Бережнова ва бошқалар. Уз СПЭ ва КИТИ. - Тошкент, 2006. – 12 бет.
5. Дала экинларини қўшиб экиш. Отабоева Х.Н. - Т.: ТДАУ, 1990.
6. Бодринг навлари ва уни етиштириш технологияси. Аббасов, А. Тошкенбоев, К. Каримов. «АУДТ» уруғчилик савдо-ишлаб чиқариш фирмаси. «Истиклол» нашриёти. - Т.: 2001. 36 бет.
7. Гулчилик ва Ландшафт меъморчилиги. Иссиқхоналарда сабзавотлар етиштириш, уларни зараркунандалардан ва касалликлардан химоя қилиш. А. Каримов ва бошқалар. - Андижон: 2005. 64 бет
8. Вредители и болезни овощных культур. Справочник. А.П. Вянгеляускайте, Р.М. Жуклене и др. – М.: Агропроиздат, 1989. – 462 с.
9. Парники и теплицы. В.В. Добров. Серия «О'кей». Ростов на Дону: Феникс, 2005. – 256 стр.
10. Огурцы. Рабочая таблица по уходу. - М.: Россельхозиздат, 1979. – 10 с.
11. Домашние заготовки. Л.В. Строкова, С.Михайлин. – М.: РИПОЛ Классик, 2006. – 544 стр.

12. Любимые овощи на вашей грядке. Э. Сергеева. Ростов на Дону: Феникс, 2005. – 252 стр.
13. Овощи на вашем столе. А. Туленкова. – М.: Планета, 1990. 22 стр.
14. Вредители сада и огорода: как с ними бороться. О.П. Починюк. – Ростов на Дону: Феникс, 2005. – 256 стр.
15. Парники и теплицы. В.В. Добров. Серия «О'кей». Ростов на Дону: Феникс, 2005. – 256 стр.
16. Ерни ер, элни миллионер қиладиган ўғитлар. Неъматжон Хошимов. Боғбонлар ва дехқонлар учун қўлланма. - Т.: Фан, 2006. – 60 бет.
17. Органик ўғитларни тўплаш ва дехқончиликда қўллаш технологиялари. Назаров Н., Мамадалиев Г., Дехқонов А. – Фарғона, 2006.
18. Зироатнома. Хасаний М. – Т.: Меҳнат, 1991.
19. Қадимда боғлар қандай яратилган. Неъматжон Хошимов. Боғбонлар ва дехқонлар учун нодир қўлланма. - Т.: Фан, 2006. – 76 бет.
20. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ҳамда зарарқунандаларига қарши кураш. – Т.: Ўрта ва Олий мактаб, 1962.
21. Табиат неъматларининг шифобахш хусусиятлари. Сафар Мухаммад. – Т.: «Истиқлол» нашриёти, 2007 йил, - 92 бет.
22. Узумчилик сирлари. Неъматжон Хошимов. - Т.: Фан, 2005. – 60 бет.
23. Защита овощей от болезней и вредителей. М.М. Ганиев, В.Д. Недорезков. Справочник огородника. – М: «КОЛОС», 2005, -184 стр.
24. Консервирование – лучшие рецепты. Р.Э. Лойко, Н.Е. Лойко. – М. Издательский Дом МСП. 2005, - 144 стр.
25. Табиат неъматларининг шифобахш хусусиятлари. Сафар Мухаммад. – Т.: «Истиқлол» нашриёти, 2007 йил, - 92 бет.



ИЛОВАЛАР

Сифатли бодринг ва бошқа сабзавот махсулотларининг уруғларини етказиб берадиган фирмалар: **ENZA ZADEN** (Европа), **Park Seeds** (Америка Қўшма Штатлари)

Бу фирмаларнинг **Web**-сайтлари:

<http://www.enzazaden.nl>

<http://www.parkwholesale.com>

Уруғлар бўйича алоҳида фирманинг **Web**-сайти:

<http://www.vitaliszaden.nl>

Бу фирманинг Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дистрибуторлари хақида қисқача маълумотлар:

1. Agrokontinent Co., LTD. Фирмаси

Web-сайти: www.agrokontinent.com

Электрон почта манзили E-mail: **info@ agrokontinent.com**

2. Novagro LLC, Фирмаси

Электрон манзили E-mail: **enza_uz@ yahoo.com**

3. «Зироат» минтақалараро ўсимликшунослар ассоциацияси.

Андижон, Тинчлик кўчаси, 6 уй. Тел.: (+998-742)22-27-83. Электрон почта: Ziroat-audt@uzpak.uz, Уруғчилик, сабзавотчилик ва иссиқхоналар сабзавотчилиги, гулчилик, боғдорчилик ва кимёвий химоя.

4. АУДТ савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Андижон, Тинчлик кўчаси, 6 уй. Тошкент «Агроуруғчи» МЧЖ, Мавлонов кўчаси, 1а. ziroat-audt@mail.ru , тел.: 134-69-90. Бу фирма сабзавот, гул уруғлари ва ҳар хил турдаги хонаки гуллар, майса уруғи, деҳқончиликда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, минерал ўғитлар, ўсимликларнинг касалликларига, хашорат ва зараркунандаларга қарши турли хил доридармонлар сотади.

**Бодринг етиштириш ва қайта ишлаш. Тузувчи Р.Х. Аюпов. - Т.:
Иқтисод-Молия, 2007. - 32 бет**

Мухаррир: Э. Бозоров

Босишга рухсат этилди: 17. 09. 2007

Бичими: 30x42 1/8

Адади: 50

Шартли босма табағи: 1.6 б.т.

Буюртма № 100

Баҳоси келишув асосида